



Ўлимни чипор қўчқор шаклида олиб келинади

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари ривоят қилинганд: "Ўлимни чипор қўчқор шаклида олиб келинади. Ҳайқиравчи: "Ҳой жаннат аҳли" деб ҳайқиради. Улар бўйларини чўзиб, (ҳайқириқ келган томонга) қарайдилар. Ҳайқиравчи: "Бунинг нима эканини биласизларми?", - деб сўраганида улар: "Ҳа, бу - ўлим", - деб жавоб берадилар.

Сўнгра ҳайқиравчи: "Ҳой жаҳаннам аҳли!", - деб ҳайқиради. Улар бошларини кўтариб, (ҳайқириқ келган томонга) қарайдилар. Ҳайқиравчи: "Бунинг нима эканини биласизларми?", - деб сўраганида, улар: "Ҳа, бу - ўлим", - деб жавоб берадилар. Қўчқор (ўлим)ни бўғизланади. Ҳайқиравчи: "Эй жаннат аҳли, (сизлар учун жаннатда) мангулик бор, ўлим йўқ. Эй жаҳаннам аҳли, (сизлар учун жаҳаннамда) мангулик бор, ўлим йўқ", - деб нидо қилади. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларни ҳасрат кунидан, иш битмиш пайтидан огоҳ қил. Улар ғафлатдадирлар». Ана у дунё аҳли ғафлаттадирлар «улар иймон келтирмаслар». (Марям: 39) оятини ўқидилар".

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёмат куни ўлимни чипор рангли қўчқор шаклида келтирилишини баён қилдилар. Ҳайқиравчи: "Эй жаннат аҳли!", - деб ҳайқиради. Улар бўйларини чўзиб, бошларини кўтариб, (товуш келган томонга) қарайдилар. (Ҳайқиравчи): "Сизлар буни танийсизларми?", - деб сўрайди. Улар ўлимни кўрганлари ва таниғанлари учун: "Ҳа, бу - ўлим", - деб жавоб берадилар. Сўнгра, Ҳайқиравчи: "Эй, жаҳаннам аҳли!", - деб ҳайқиради. Улар бўйларини чўзиб, бошларини кўтариб, (товуш келган томонга) қарайдилар. Ҳайқиравчи: "Бунинг нима эканини биласизларми", - деб сўрайди . Уларнинг ҳар бири ўлимни кўргани боис: "Ҳа, у - ўлимдир!", - деб жавоб берадилар. Ўлим бўғизланади ва Ҳайқиравчи: "Эй жаннат аҳли, (сизлар учун жаннатда) мангулик бор, ўлиш йўқ", - деб нидо қилади. Бу, мўъминлар неъматининг кўпайиши, кофирлар азобининг орттирилиши учундир. Сўнгра Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу оятни ўқидилар: "Уларни пушаймонлик кунидан огоҳлантиринг! Чунки, ишга қарор қилинган бўлсада, улар (дунё аҳли) ҳануз ғафлатдадирлар. Ҳолбуки, улар иймон келтирмаслар" (Марям: 39). Қиёмат куни жаннатийлар билан дўзахийлар орасини ажратилади ва уларнинг ҳар бири кирган жойида абадий қолади. Гуноҳга қўл урган одам яхшилик қилмагани учун пушаймон бўлса, яхшиликни кўп қилмаган одам яхшиликни кўп қилмагани учун ҳасрат чекади.

النّجّات الخيريّة
ALNAJAT CHARITY

